O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
KRIMINOLOGIYA TADQIQOT INSTITUTI

KRIMINOLOGIYA YANGILIKLARI

Ilmiy to‘plam

Toshkent – 2026

O‘zbekiston Respublikasi Kriminologiya tadqiqot instituti kengashining yig‘ilishida muhokama qilingan hamda nashrga tavsiya etilgan.

Mas’ul muharrir

O‘zbekiston Respublikasi Kriminologiya tadqiqot instituti boshlig‘i, yuridik fanlar bo‘yicha falsafa doktori (PhD) **B.E.Berdialiyev.**

Taqrizchilar:

siyosiy fanlar doktori, professor **I. Ergashev;**

yuridik fanlar doktori, professor **A.G. Zakirova**

Nashrga tayyorlovchilar:

falsafa doktori (PhD), professor **R.O.Nigmatov;** yuridik fanlar bo‘yicha falsafa doktori (PhD) **Sh.O. Azim;** tibbiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD) **I.E. To‘raev;** falsafa fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD), dotsent **Sh.Sh. Hasanov;** yuridik fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD) **U.A. Irisbekov; D.B.Mamarajabova.**

Kriminologiya yangiliklari: Ilmiy to‘plam / Mas’ul muharrir yuridik fanlar bo‘yicha falsafa doktori (PhD) B.E.Berdialiyev – T.: O‘zbekiston Respublikasi Kriminologiya tadqiqot instituti, 2026. – 168 b.

Mazkur to‘plamda zamonaviy kriminologiya nuqtai nazaridan jinoyatchilikka qarshi kurashning dolzarb masalalari yoritilgan bo‘lib, sodir etilayotgan jinoyatlarning kriminologik tavsifi, ularning kelib chiqish omillari, jinoyatchilikning oldini olish va fosh etishda yuzaga kelayotgan muammolar, shuningdek, xorijiy davlatlarning ilg‘or tajribalari va ularni milliy amaliyotga tatbiq etish imkoniyatlari ilmiy va amaliy jihatdan tahlil qilingan.

To‘plam huquq-tartibot organlari ta’lim muassasalarining professor-o‘qituvchilari, olimlar, tadqiqotchilar va amaliyot xodimlari, mustaqil izlanuvchilar, talabalar hamda kursantlar uchun mo‘ljallangan.

© O‘zbekiston Respublikasi Kriminologiya tadqiqot instituti, 2026-y.

Масалан, айрим тадқиқотларда кўрсатилганидек, жиноят содир этган аёлларнинг катта қисми болалик чоғидан зўравонлик, қашшоқлик ёки оилавий беқарорлик муҳитида ўсган бўлади. Бу эса уларнинг ижтимоий мослашув қобилиятига салбий таъсир кўрсатган.

Юқоридаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, аёллар жиноятчилиги – жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий ва маънавий муаммоларнинг ўзига хос ифодасидир. Унинг пайдо бўлиши ва ўсиши кўпинча аёлларнинг турмуш шароити, руҳий ҳолати ва оилавий муносабатлар билан боғлиқ.

Аёллар жиноятчилигини камайтириш учун, аввало, унинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш зарур. Бу жараёнда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, маҳалла институтлари, таълим муассасалари ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга.

Аёлларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб меҳнат шароити яратиш, оилавий муҳитни соғломлаштириш ва маънавий тарбияни кучайтириш – жиноятчиликни олдини олишнинг энг самарали йўлларидир.

Шу билан бирга, жиноят содир этган аёлларга нисбатан жазо қўллашда инсонпарварлик тамойилига амал қилиш, уларни қайта тарбиялаш ва жамиятга мослаштириш механизмларини такомиллаштириш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, аёллар жиноятчилигига қарши курашиш фақат ҳуқуқий эмас, балки ижтимоий, маънавий ва психологик жиҳатдан ҳам чуқур ёндашувни талаб этади. Бу соҳада комплекс чоралар тизимини амалга ошириш орқали жиноятчилик даражасини камайтириш, оила ва жамият барқарорлигини таъминлаш мумкин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент, 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни. – Тошкент, 2014.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни. – Тошкент, 2016.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг жиноятчилик профилактикасига оид фармон ва қарорлари тўплами. – Тошкент, 2023.
5. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: “O‘zbekiston”, 2021.
6. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент, 2017.
7. Абдурасулова Қ.Р. Криминология. – Тошкент: ТДЮУ, 2020.
8. Рустамбоев М.Х. Криминология. – Тошкент: Адолат, 2019.
9. Зокиров Б.Т. Жиноятчилик профилактикаси назарияси. – Тошкент, 2021.
10. Исмоилов И. Жиноятчиликка қарши курашишнинг криминологик асослари. Тошкент, 2018.

ЖИНОЯТ ИШЛАРИ ЮЗАСИДАН БАНК СИРИНИ ОЛИШДА ЭЛЕКТРОН САНКЦИЯ БЕРИШ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ

Тўраев Илхомжон Эсанович
Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти етакчи илмий ходими, тиббиёт фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Эсанов Дилшодбек Илҳомжон ўғли
ИИВ Академияси магистратура тингловчиси

Аннотация. Мақолада жиноят ишлари доирасида банк сирини ташкил этувчи маълумотларни олиш амалиётининг ҳуқуқий ва амалий жиҳатлари комплекс таҳлил қилинган. Айниқса, иқтисодий, коррупциявий ва кибержиноятларни фош этишда банк ҳисобварағи ҳаракатига оид маълумотларни ўз вақтида олишнинг ҳал қилувчи аҳамияти, амалдаги санкция бериш тартибининг анъанавий, кўп босқичли ва қоғозбозликка асосланганлиги жиноятларни самарали фош этишга жиддий тўсиқ бўлаётгани статистик ва қиёсий таҳлиллар орқали асослаб берилган.

Калит сўзлар: банк сири, электрон санкция, жиноят-процессуал кодекс, иқтисодий жиноятлар, кибержиноятлар, латент жиноятчилик, санкция бериш тартиби, рақамли далиллар, тезкор-қидирув фаолияти, электрон платформа, E-Sanksiya.

Аннотация. В статье проводится комплексный анализ правовых и практических аспектов получения сведений, составляющих банковскую тайну, в рамках уголовных дел. На основе статистического и сравнительного анализа обосновано решающее значение своевременного получения данных о движении денежных средств по банковским счетам при раскрытии экономических, коррупционных и киберпреступлений. Автор подчеркивает, что действующий традиционный, многоступенчатый и бюрократизированный порядок выдачи санкций становится серьезным препятствием для эффективного раскрытия преступлений.

Ключевые слова: банковская тайна, электронная санкция, уголовно-процессуальный кодекс, экономические преступления, киберпреступления, латентная преступность, порядок выдачи санкции, цифровые доказательства, оперативно-розыскная деятельность, электронная платформа, E-Sanksiya.

Abstract. The article provides a comprehensive analysis of the legal and practical aspects of obtaining information constituting bank secrecy within the framework of criminal cases. Based on statistical and comparative analysis, the author substantiates the decisive importance of timely obtaining data on the movement of funds in bank accounts for solving economic, corruption, and cybercrimes. It is highlighted that the

existing traditional, multi-stage, and bureaucratic procedure for issuing sanctions poses a serious obstacle to the effective investigation and detection of crimes.

Keywords: bank secrecy, electronic sanction, criminal procedure code, economic crimes, cybercrimes, latent crime, sanctioning procedure, digital evidence, operational-search activity, electronic platform, E-Sanksiya.

Бугунги кунда жиноят ишлари доирасида банк сирини ташкил этувчи маълумотларни олиш амалиёти жиноятларни фош этиш ва молиявий операцияларни аниқлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Банк ҳисобварағи ҳаракатлари, пул маблағларининг келиб чиқиши ва ўтказилиши ҳақидаги маълумотлар жиноий фаолиятнинг ҳақиқий механизмини аниқлаш, жиноят субъектлари ўртасидаги алоқаларни фош этиш ҳамда жиноий даромадларнинг легаллаштирилиш занжирини очиб беришда ҳал қилувчи ўрин эгаллайди.

Айниқса иқтисодий, коррупциявий, кибержиноятлар ҳамда жиноий йўл билан орттирилган даромадларни легаллаштириш билан боғлиқ жиноятларни аниқлаш ва фош этишда банк сирини ташкил этувчи маълумотлар асосий далил манбаларидан бири ҳисобланади. Шу билан бирга, мазкур тоифадаги жиноятлар **юқори даражада латент** хусусиятга эга бўлиб, уларни самарали фош этиш кўп жиҳатдан тезкорлик, маълумотларни ўз вақтида олиш ва таҳлил қилиш имкониятларига боғлиқ. Амалда эса банк сирини ташкил этувчи маълумотларни олиш учун санкция бериш тартибининг кўп босқичли, қоғозбозликка асосланган ва вақт жиҳатидан чўзилиши жиноятларни аниқлаш ҳамда фош этиш самарадорлигини сезиларли даражада пасайтирмоқда. Бу орқали эса, пул маблағларини бошқа ҳисобварақларга ўтказиш, уларни нақдлаштириш ёки хорижий ҳисоблар орқали яшириш ҳолатлари кўпайиб бормоқда.

Халқаро таҳлилларга кўра, жиноий йўл билан орттирилган даромадларни легаллаштириш, фирибгарлик ҳамда ўғрилик жиноятларининг ***ҳажми йиллик 800 млрд АҚШ долларидан 2 трлн АҚШ долларигача*** бўлиб, бу жаҳон ялпи ички маҳсулотининг ***2–5 фоизини*** ташкил этади. Шу билан бирга, мазкур жиноятларнинг ***1 фоиздан кам қисми*** аниқланади ва фош этилади, қолган қисми эса ***банк-молия тизимларидаги*** кечикишлар ва ахборотга чекланган кириш туфайли латент ҳолатда қолади [1].

Халқаро ташкилотлар маълумотларига кўра, глобал даражада пул ювиш ҳолатларининг ***90–92 фоизи*** аниқланмайди, чунки банк ҳисобварақлари ҳаракатига оид маълумотларига ўз вақтида кириш имконияти мавжуд эмас. Айниқса, кибержиноятлар ва трансчегаравий молиявий жиноятларда жиноятчилар қисқа вақт ичида пул маблағларини кўчириш, нақдлаштириш ёки хорижий мамлакатлар транзакциялари орқали ноқонуний маблағларни яшириш имконига эга бўлади [2].

Мазкур тенденциялар миллий қонунчилик тизимимизда ҳам кузатилмоқда, жумладан ***2024 йилда*** мамлакатда рўйхатга олинган жиноятлар сони ***132 мингдан***

ортиқни ташкил этган бўлиб, пул ювиш билан боғлиқ жиноятлар расмий статистикада ***50,8 фоизга*** камайган. Бироқ ушбу кўрсаткичлар жиноятчиликнинг ҳақиқий камайишини эмас, балки латент жиноятлар улушининг юқорилигини ифодалайди. Хусусан, банк маълумотларига кечикиб кириш натижасида жиноятларни ўз вақтида аниқлаш имконияти чекланиб, кўплаб ҳолатлар расмий ҳисобга олинмасдан қолмоқда [3].

Иқтисодий, коррупциявий ва кибержиноятларни фош этишда банк сирини ташкил этувчи маълумотларни ўз вақтида олиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Амалда эса банк маълумотларига кириш фақат санкция асосида амалга оширилиши, шунингдек санкция бериш жараёнининг кўп босқичли ва анъанавий тартибда ташкил этилгани терговнинг тез ва тўла олиб борилишига тўсиқ бўлмоқда.

Хусусан, санкция беришдаги кечикиш натижасида жиноятчилар пул маблағларини бошқа ҳисобварақларга ўтказиш, нақдлаштириш ёки хорижий банк тизимлари орқали яширишга улгуради. Бу эса банк маълумотларининг далилий қийматини пасайтиради ва жиноий фаолият занжирини узиш имкониятини чеклайди. Масалан, кибержиноятлар, айниқса кредит ва тўлов фирибгарликлари ҳолатларида банк ҳисобварақлари ҳақидаги маълумотларни кечикиб олиш натижасида маблағлар қисқа вақт ичида мамлакат ташқарисига чиқариб юборилади.

Шу маънода, миллий қонунчилигимизда банк сирини олишда санкция бериш тартибининг рақамлаштирилмагани иқтисодий жиноятларни фош этишда тизимли муаммо сифатида қолмоқда. Мавжуд процессуал механизмлар замонавий жиноятчиликнинг юқори динамикасига жавоб бермайди ва жиноятларни ўз вақтида аниқлаш имкониятларини чеклайди. Бу эса санкция бериш жараёнини такомиллаштириш, яъни электрон шаклга ўтказиш заруратини келтириб чиқармоқда.

Кибержиноятлар ***2019 йилга нисбатан*** бир неча баравар ошган, уларнинг ***70–80% қисми*** банк маълумотларига ўз вақтида кириш ва улардан жиноят иши доирасида фойдаланиш туфайли самарасиз тергов қилинган.

Жиноят ишларини юритиш ва тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда электрон санкция *(қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш бўйича, паспортнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, мурдани эксгумация қилиш, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш, тинтув ўтказиш, банк сирини олиш юзасидан ва бошқа)* олиш жараёни бугунги куннинг долзарб масаласи ҳисобланади. Бу орқали рақамли далилларни тезкор олиш, махфийликни ҳимоя қилиш ва трансчегаравий ҳамкорликни таъминлаш имконияти яратилади.

Жиноят ишлари юзасидан банк сири билан боғлиқ маълумотларни олиш шахснинг молиявий аҳволи билан жиноятларни фош этиш манфаатлари ўртасидаги мувозанатни таъминлашга қаратилган муҳим процессуал механизм ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси ҳамда “Банк

сири тўғрисида”ги қонун нормалари санкция бериш тартибини белгилайди. Бироқ мазкур нормаларнинг амалда қўлланилиши улар замонавий иқтисодий ва кибержиноятчилик шароитида етарли даражада самарали эмаслигини кўрсатмоқда.

Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ, терговчи ёки суриштирувчи банк сирини ташкил этувчи маълумотларни олиш учун асослантирилган қарор чиқариши ва ушбу қарорга прокурор томонидан санкция берилиши лозим. Айрим ҳолларда тергов ҳаракатларининг қўлланилишига кўра, тергов судьясининг розилиги талаб этилади. Норманинг мазмунидан кўриниб турибдики, қонун банк маълумотларини олишда суд ва прокурор назоратини кафолатлайди. Шу билан бирга, мазкур моддаларда санкция беришнинг шакли ҳақида аниқ қоидалар белгиланмаган.

“Банк сири тўғрисида”ги қонуннинг 9-моддаси банк сири маълумотларини фақат қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда давлат органларига тақдим этиш мумкинлигини белгилайди. Бироқ ушбу моддада маълумотларни фош этиш тартиби анъанавий ҳужжат айланишига таянган ҳолда ифодаланиб, электрон санкция бериш ёки рақамли маълумот алмашиш механизмлари назарда тутилмаган.

Фикримизча, қонунчиликдаги мазкур ёндашув шахсий ҳуқуқларни ҳимоя қилишни устувор деб ҳисоблаб, жиноятларни фош этиш манфаатларини иккинчи даражага суриб қўймоқда. Ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, амалиётда вазият бироз ўзгача, яъни санкция бериш жараёнидаги ортиқча вақт сарфи на фуқароларнинг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилади, на жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини оширмоқда. Аксинча, жиноятчиларга молиявий операцияларни тезкор равишда яшириш ёки чиқариб юбориш имконияти яратилмоқда.

Айниқса, ахборот тизимидан, шу жумладан ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарлик жиноятлари ва кибержиноятлар билан боғлиқ ҳолларда муаммо янада яққол намоён бўлади. Негаки, пул ўтказмалари сониялар ичида амалга оширилаётган бир пайтда, санкция олиш учун бир неча кун талаб қилиниши ҳуқуқни қўллаш амалиётида аниқ дисбаланс мавжудлигини кўрсатади.

Шу ўринда айтиш жоизки, айрим мутахассислар электрон санкция жорий этилиши шахсий маълумотлар хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин, деган фикрни илгари суришади. Бироқ халқаро тажриба *(суд ордерларини электрон шаклда бериш амалиёти)* шуни кўрсатадики, рақамлаштириш назоратни заифлаштирмайди, аксинча уни кучайтиради. Электрон журналлар, лог-файллар ва аудит механизмлари қарор қабул қилиш жараёнининг шаффофлигини оширади. Шуни қайд этиш керакки, бугунги кунда аксарият банк хизматлари тўлиқ рақамлаштирилган, шу сабабли муаммо санкция институтининг ўзида эмас, балки

уни амалга оширишнинг анъанавий ва рақамлаштирилмаган шаклида намоён бўлмоқда.

Қонунчиликда банк сири маълумотларини олиш учун электрон санкция бериш тартибини жорий этиш, унинг муддатларини аниқ белгилаш, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда банклар ўртасида *рақамли интеграцияни таъминлаш* бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Хорижий мамлакатлар тажрибасида мазкур соҳада *илғор амалиётлар* мавжуд бўлиб, улар фавқулодда ҳолатларда тезкорликни ошириш ва бюрократик тўсиқларни камайтиришга имкон беради.

Миллий қонунчилигимизда рақамлаштириш ишлари олиб борилаётганлигига қарамасдан, амалда провайдерлардан қоғоз ариза орқали маълумот олинмоқда.

Хорижий мамлакатларда электрон санкция олиш тизимлари асосан рақамли далилларнинг тезкорлиги ва трансҳудудий ҳаракатларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Бу тизимлар БМТ, Европа Кенгаши ва миллий қонунчиликка асосланади. Асосий эътибор фавқулодда ҳолатларда *(ҳаётга хавф, далил йўқолиши)* тезкор санкция олишга қаратилган, бу эса тергов самарадорлигини оширади.

Жанубий Кореяда иқтисодий турдаги жиноятларни фош этишда кечиктириб бўлмас ҳолларда банкка суднинг санкциясисиз тақдим этилган қарорга банк сири билан боғлиқ операциялар ҳақида маълумот тақдим этилади ҳамда банк томонидан ***36 соат ичида*** тасдиқ талаб қилинади.

Европа Иттифоқи давлатларида Будапешт конвенцияси асосида банкларда айнан ҲМҚОлар учун ***24/7*** махсус фаолият кўрсатувчи ***контакт операторлари*** мавжуд бўлиб, улар банк мижозлари бўйича кечиктириб бўлмас ҳолларда маълумотларни тақдим этади. Ушбу тизимларнинг умумий хусусияти рақамли платформалар орқали ариза бериш ва тасдиқлашдан иборат бўлиб асосий кўзланган мақсад, ортиқча вақт сарфини ва бюрократияни камайтиришдан иборат.

Бугунги кунда санкция олиш жараёни, қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади. Яъни ИИО ходими *(терговчи, суриштирувчи ёки тезкор ходим)* томонидан асослантирилган қарор тайёрланади, у прокуратура томонидан кўриб чиқилади ва шундан сўнг қабул қилиниб банкка юборилади. Мазкур жараён ўртача ***1-3 суткагача*** вақт олиб, ҳужжатларни қайта ишлаш ва идоралар ўртасида юбориш билан боғлиқ кечикишлар кузатилади. Натижада жиноятчилар томонидан пул маблағларини бошқа ҳисобварақларга ўтказиш, нақдлаштириш ёки хорижий ҳисобларга яшириш учун реал вақт имкони яратилади.

Жиноят ишлари юзасидан банк сирини ташкил этувчи маълумотларни олишда санкция бериш жараёнининг ҳозирги анъанавий ва кўп босқичли тартиби замонавий иқтисодий ва кибержиноятларни тезкор фош этиш талабларига жавоб бермаслигини инобатга олган ҳолда, “ИИВ-Прокуратура-Суд-Банк” фаолиятини

мувофиқлаштирувчи “**E-Sanksiya”** ягона электрон платформасини жорий этиш зарур, деб ҳисобланмоқда.

Ушбу концепциянинг асосий мақсади ИИО, прокуратура, суд ва банк тизимларини ягона рақамли муҳитда интеграция қилиш орқали банк сири маълумотларини олиш учун **электрон санкция** бериш тартибини жорий этиш, санкция олиш муддатини кескин қисқартириш ва жиноятларни тез ҳамда тўла фош этиш имкониятини яратишдан иборат.

“E-Sanksiya” платформасини ***жорий этиш механизми*** қуйидаги тартибда амалга оширилади:

Биринчи босқичда қонунчиликни такомиллаштириш орқали ташкилий асослар мустаҳкамланади. Яъни, Жиноят-процессуал кодексига ***электрон санкция бериш тартибини*** назарда тутувчи норма ва “Банк сири тўғрисида”ги қонунга “Банк сирини ташкил этувчи маълумотларни прокуратура, дастлабки тергов, суриштирув органларига ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга электрон тақдим этиш” бўйича ўзгартириш ва қўшимча киритиш лозим. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг ***“E-Sanksiya”*** платформасини жорий этиш ва амалиётга жорий этиш қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Иккинчи босқич, “E-Sanksiya” ягона электрон платформасини қуйидаги алгоритм асосда ишлашини белгилаш:

Терговчи жиноят иши бўйича электрон маълумотларни юклайди *(унда жиноят иши рақами, банк маълумотларини олиш зарурати ва ҳажми кўрсатилади)*. Прокурор мазкур сўровни автоматлаштирилган тартибда қисқа муддатда кўриб чиқиб, электрон рақамли имзо орқали санкция беради ёки рад этади. Санкция тасдиқлангандан сўнг банк белгиланган маълумотларни шифрланган шаклда платформа орқали қабул қилади.

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодий ва кибержиноятларни барвақт аниқлаш ҳамда фош этишда банк сирига оид маълумотларни олишнинг тезкор ва мувофиқлаштирилган механизмларини жорий этиш зарур. Шу муносабат билан қуйидаги таклиф ва тавсиялар илгари сурилади:

Биринчидан, банк сирига оид маълумотларни олишда санкция бериш жараёнини рақамлаштириш, яъни ИИВ, Бош прокуратура, суд ва банклар ўртасида “E-Sanksiya” ягона электрон платформасини жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлиб, бу орқали санкция олиш муддатлари қисқартирилиб, жиноятларни фош этишда тезкорлик таъминланади.

Иккинчидан, кибержиноятлар ва шубҳали молиявий операцияларга зудлик билан жавоб қайтариш мақсадида банклар, тўлов тизимлари *(HUMO, Uzcard)*, Марказий банк, ИИВ, Бош прокуратура ва суд иштирокида “тезкор ҳаракатланувчи гуруҳ”ни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Мазкур гуруҳни доимий асосда фаолият юритувчи, ***24/7 режимида ишлайдиган мувофиқлаштирувчи оператив тузилма*** сифатида ташкил этиб,

унинг штат бирлиги таркиби, функционал вазифалари ва ишлаш алгоритмини қуйидагича белгилаш таклиф этилмоқда:

Гуруҳнинг штат таркиби:

ИИВдан 1 нафар терговчи ёки тезкор ходим *(жиноят ишини юритиш ва процессуал қарорлар учун масъул);*

Тошкент шаҳар ИИББдан 1 нафар тезкор ходим *(ҳудудий мувофиқлаштириш ва ҳолатни "иссиқ изидан" аниқлаш учун);*

Марказий банкдан 1 нафар мутахассис *(банкларараро ҳисоб-китоблар ва молиявий мониторинг бўйича);*

HUMO тўлов тизимидан 1 нафар мутахассис *(карталар бўйича операцияларни тезкор блоклаш учун);*

UZCARD тўлов тизимидан 1 нафар мутахассис *(тўлов транзакцияларини мониторинг қилиш ва чеклаш учун).*

Жами 5 нафар ходимга 3 сменада иш ташкил этиш орқали узлуксиз 24 соатлик хизмат таъминланади.

Гуруҳ аъзоларининг ***асосий вазифалари*** этиб қуйидагиларни белгилаш талаб этилади:

шубҳали пул ўтказмалари ва кибержиноятларга оид мурожаатларни қабул қилиш;

молиявий операцияларни дастлабки тезкор таҳлил қилиш;

банк карталари ва ҳисобварақлар бўйича шубҳали операцияларни вақтинчалик чеклаш ёки блоклаш;

жиноят иши қўзғатиш ва электрон санкция олиш учун зарур бўлган дастлабки молиявий маълумотларни шакллантириш;

терговга қадар текширув тадбирларини мувофиқлаштириш.

Гуруҳнинг ***ишлаш схемаси*** (алгоритми)ни қуйидагича этиб белгилаш талаб этилади:

фуқародан банк ёки тўлов тизимидан шубҳали операция бўйича сигнал келиб тушади;

мурожаат 5 дақиқа ичида "тезкор ҳаракатланувчи гуруҳ" томонидан қабул қилинади;

гуруҳ аъзолари томонидан 10 дақиқа ичида дастлабки ҳуқуқий ва молиявий баҳолаш ўтказилади;

шубҳали ҳолат тасдиқланганда, тўлов тизимлари ва банк вакиллари томонидан пул ўтказмалари ёки банк карталари бўйича операциялар зудлик билан вақтинчалик блокланади;

бир вақтнинг ўзида ИИО вакиллари учун жиноят иши қўзғатиш ва тезкорлик билан санкция олишга асос бўладиган маълумотлар шакллантирилади.

Кейинги босқичда ушбу маълумотлар "E-Sanksiya" электрон платформаси ишга туширилган тақдирда ушбу жараёнларни процессуал тартибда расмийлаштирилади.

Ушбу тартиб жиноятчилар томонидан пул маблағларини талон-торож қилиш, нақдлаштириш ёки хорижга чиқариб юборишининг олдини олишга хизмат қилади ҳамда кибержиноятларни барвақт ва “иссиқ изидан” фош этиш имкониятини таъминлайди.

Учинчидан, ҲМҚО ходимларининг кибержиноятларга қарши курашиш бўйича касбий малакасини ошириш**,** шунингдек, хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини миллий амалиётга жорий этиш зарур.

Мазкур таклифларни амалиётга жорий этиш натижасида, банк сирига оид маълумотларни олиш жараёни тезлашади, шубҳали молиявий операциялар ўз вақтида блокланади, пул маблағлари ноқонуний чиқиб кетишининг олди олинади ҳамда кибержиноятларни фош этиш самарадорлиги сезиларли даражада ошади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Банк сири тўғрисида”ги қонуни // LEX.UZ: https://lex.uz/docs/41760;
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // LEX.UZ: https://lex.uz/docs/111453;
3. Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуни // LEX.UZ: https://lex.uz/ru/docs/2107763
4. Financial Action Task Force (FATF). (2022). Mutual Evaluation Report of the Republic of Uzbekistan. Eurasian Group on Combating Money Laundering and Financing of Terrorism (EAG). https://www.fatf-gafi.org/en/countries/detail/Uzbekistan.html (Ўзбекистоннинг пул ювиш ва террорчиликни молиялаштиришга қарши чоралари самарадорлиги; техник мувофиқлик ва самарадорлик даражаси).
5. Financial Action Task Force (FATF). (2025). Follow-up Report on Uzbekistan's progress in strengthening measures to tackle money laundering and terrorist financing. https://www.fatf-gafi.org/en/publications/Mutualevaluations/fur-uzbekistan-2023.html (2024–2025 йиллардаги ўзгаришлар ва камчиликлар, жумладан маълумотларга кириш тезкорлиги).
6. United Nations Office on Drugs and Crime (UNODC). (2025). Money Laundering Overview and Global Estimates. https://www.unodc.org/unodc/en/money-laundering/overview.html;
7. Basel Institute on Governance. (2024). Basel AML Index 2024: 13th Public Edition. Ranking money laundering risks around the world. https://baselgovernance.org/sites/default/files/2024-11/2024%20Basel%20AML%20Index%20report.pdf ;
8. Ўзбекистон Республикаси Статистика агентлиги. (2025). 2024 йилда жиноятлар ва кибержиноятлар статистикаси. https://stat.uz/uz/ *(2024 йилда умумий жиноятлар 132 298 та; кибержиноятлар сони 2019 йилга нисбатан бир неча баравар ошган, 58 800 тага етган; фирибгарлик ва киберҳолатлар 44,4% га етган)*.

9. Financial Action Task Force (FATF), Egmont Group, INTERPOL, UNODC. (2025). International Co-operation on Money Laundering Detection, Investigation, and Prosecution Handbook. https://egmontgroup.org/wp-content/uploads/2025/09/International-Cooperation-ML-Detection-Investigation-Prosecution-1.pdf. Shufti Pro. (2025). 45 Eye-Opening Money Laundering Facts & Statistics [2025 Update]. https://shuftipro.com/blog/money-laundering-facts-statistics-2025-update.

